

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 30-aprel, chorshanba № 33 (15775)

Navqiron avlod so'zi

## БОБОЛАР ЎГИТИ БЕБАҲО!

*«Бешикдан то қабргача илм ўрган» деган пурмағно ҳикмат бор. Биз одамзод комронлик кўриб, рўшноликда умр кечираётган, тинч ва осуда бир юртда, эмин-эркин илм олаётганимиз учун ҳам бахтлимиз.*

Бобом Жўра Маҳмудов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлганлар. Инсониятнинг бошига тушган мудҳиш, қора кунларнинг шоҳиди бўлиб, ўша тинчлик «нондек арзанда» бўлган даврда ҳам илм олишдек муқаддас бурчни адо этганлар. Бобомнинг айна шу мавзудаги гаплари ҳозиргача қулогимда жаранглаб туради.

— Бизнинг замонамизда ҳамма ҳам билим олиш бахтига муяссар бўлавермаган. Фронтда, ўша таҳликали пайтларда ҳам китоб мутолаа қилган кунларимиз бўлди. Ўзга тилдаги китобни ўқиш, тушуниш осон иш эканми?.. Эҳ, болам, сен ҳўб ажойиб замонда униб-ўсаяпсан. Билим олишинг, ўқиб-ўрганишинг учун қанчадан-қанча имкониятларинг бор, мустақил ва ҳурфикр Ватанда илм олишга не етсин?! Мен бир чеккадан қараб, сенга ҳавасим келиб ўтирибман. Токи кўзингга нур, белингга қувват бор экан, илм олишдек савобли ишдан чарчама!..

Ҳа, бобомнинг бу насиҳатлари нечоғлик тўғри ва эзгу эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилаяпман. Албатта, биз, ёшлар бундай ибратли гаплардан тўғри хулоса чиқаришимиз зарур.

Мана, бир неча йилдан бери Президентимизнинг ташаббуси билан 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келинаяпти. Юртимизда яшовчи ҳар бир инсон, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳурмат-эътиборда. Яқинда Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳам ана шу чуқур ҳурмат ва эътиромнинг намунаси бўлди.

Мен келажаги буюк мамлакатнинг фарзандиман. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаяпман. Ўқув хоналаримиз барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Талабалар ўз мутахассисликлари бўйича, юқори малакали устозлардан сабоқ олишмоқда. Шундай экан, мен тенгдошларим — эртанинг устуни бўладиган дўстларимнинг, аввало, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиб яна ва яна илм ўрганишлари, ўзлари танлаган касбнинг етук мутахассиси бўлишлари ҳамда шу муқаддас Ватанимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшишларига ишонаман.

Фазлиддин ЖўРАЕВ,  
ЎЗМУ талабаси



**«Трансген ўсимликлар табиий ўсимликлардан деярли фарқланмайди. Ҳар иккиси бир хил ДНКдан иборат. Уларни истеъмол қилганда ДНК организмимизда парчалашиб кетади. Лекин ҳеч қачон одам ДНКсига қўшилмайди. Уни ўзгартиролмайди ҳам. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, мева ва сабзавотларни доимо истеъмол қиласиз-ку. Шунга қарамай, одамзот шафтоли ёки сабзига айланиб қолмаган...»** Ўзбекистонлик олимлар генетик модификацияланган организмлар ҳақида қандай фикрда? Мақоланинг давомини 4-саҳифада ўқинг.

«Barkamol avlod — 2014»

## ГУЛЛАР ШАҲРИДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

*Гуллар шаҳри — Наманганда спорт байрамига ҳозирлик кўтаринки руҳда давом этаётир. Юртимизнинг эртанги куни қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёш авлодга боғлиқ. Чунки ҳар томонлама соғлом, баркамол ёшларгина Ватанини дунё узра танита олади. Мустақил диёримиз бағрида камол топаётган фарзандларимизнинг мустаҳкам иродаси, жисмонан соғломлиги юртимизда уларга яратилаётган имкониятларга боғлиқ.*

Президентимизнинг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича кўрилатган чоратадбирлар, ташкил этилаётган спорт байрамлари кўнглимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Чунинчи, юртимизда уч босқичли

спорт мусобақалари тизими яратилган бўлиб, ҳар уч йилда бир марта ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтказилмоқда. 2011 йилда Сурхондарё вилояти мезбонлик қилган ушбу спорт ўйинлари бу йил Наманганда бўлиб ўтади.

— Ўтган йили ҳукумати-миз томонидан Наманган вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг республика финал босқичига тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилган эди. Мазкур йиғилиш қарори билан «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг финал босқичига келадиган спортчилар, мураббийлар ва меҳмонлар яшайдиган ҳамда мусобақалар ўтказилган объектлар белгиланди, — дейди мусобақага тайёргарлик бўйича вилоят штаби раҳбари, Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Пахриддин Матқаримов. — 2000 йилда вилоятимизда Универсиада ўйинлари ўтказилган эди.

Дўстлик ва гўзаллик байрамини уюшқоқлик билан, юқори савияда ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан мусобақаларга тайёргарликни амалга оширувчи ўн олтига ишчи гуруҳи шакллантирилди. Шунингдек, мазкур гуруҳларнинг таркиби, вазибалари, чоратадбирлар режаси тайёрланди. Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да вилоят штаби ташкил этилди, унинг фаолият юритиши учун хоналар ажратилиб, зарур техника ва алоқа воситалари билан таъминланди. Мусобақалар ўтадиган, иштирокчилар яшайдиган ўн учта объектнинг ҳар бирида алоҳида штаблар тузилди.

(Давоми 8-саҳифада)

■ Kelajakka qadam ■

Навоий вилоятидаги «Ёшлар маркази»да

«Камалак» билимдонлари» номи остида иқтидор ва салоҳият беллашуви бўлиб ўтди. Бунда 112 нафар билимдон ўғил-қиз ўзаро куч синашди.

## «КАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ»

танловнинг республика босқичи  
Навоийда ўтказилди

10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирларнинг тафаккурини адолат тарозисида ўлчайдиган «Камалак» билимдонлари» республика кўрик-танлови мазкур йилда ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Уч кун мобайнида давом этган беллашув дўстлик даврасига айланди, десак муболаға бўлмайди. Тадбирнинг дастлабки кунни ўзига хос танишув анжумани сифатида гавдаланди. Мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимидан сўнг ёш билимдонлар худуднинг тарихий масканлари ва ишлаб чиқариш қуввати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Таъкидлаш жоиз, саноат шаҳри эндиликда иқтидорли ёшлар ўртасида ўтказилаётган кўлаб республика кўрик-танловларига мезбонлик қилмоқда. Бу қўшни худуд ёшларнинг олтинлар замини дея эътироф этиладиган Навоий вилояти ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш, навоийлик тенгқурлари билан дўстлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Танлов олдидан жамоаларга эсдалик совғалари топширилгани иштирокчилар руҳиятига кўтаринкилик бахш этди, десак янглишмаймиз. Танловда она диёримизнинг турли худудларидан ташриф буюрган 14 та жамоа тўрт йўналишда иқтидорини намойён қилди. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг «Баркамол авлод», Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Камалак» ёғдулари», Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-мактабнинг «Камалак» билимдонлари», Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 5-мактабнинг «Шумтақалар», Самарқанд шаҳридаги 38-мактабнинг «Баркамол авлод», Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги 59-мактабнинг «Баркамол авлод», Урганч шаҳридаги 38-мактабнинг «Соғлом бола — юрт бойлиги», Андижон вилояти Жалақудук туманидаги 7-мактабнинг «Камалак» юлдузлари», Сирдарё вилояти Гулистон туманининг «Камалак» жамоаси, Тошкент шаҳрининг «Улғубек юлдузлари» жамоаси, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 1-мактаб-интернатнинг «Парвоз», Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 1-мактабнинг «Президент фарзандлари», Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 32-мактабнинг «Истиқлол чечаклари», Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 44-мактабнинг «Келажак эгалари» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Дастлабки — тақдимот шартида гуруҳлар ўзлари яшаб турган худуд тарихи, бугунги тараққиёти ҳамда ўзига хос қирраларини кўрсатиб бердилар. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ҳамда Навоий вилоятларининг чиқишлари ҳакамлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Иштирокчиларнинг етти хил рангда товланиб турган миллий либослари, ҳар бир ранг ва уларнинг киши табиатига монанд таърифланиши ўзгача завқ берди. Водийнинг сўлим табиати, Андижон қовунлари, Марғилон хонатласи, Навоийдаги тарихий анъаналар ва ишлаб чиқариш қувватининг иштирокчилар томонидан маҳорат билан таърифлангани қалбларга ҳаяжон улашди, тасаввуримизни бойитди, — дейди «Истиқлол чечаклари» жамоаси аъзоси Зулайхо Худойбердиева.

2-шартда ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, компьютер ўйинлари зарарлари, эрта турмушнинг салбий оқибатлари ёш билимдонлар томонидан саҳнага олиб чиқилди. Савол-жавоб шарт иштирокчиларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий салоҳиятини, ижтимоий лойиҳалар шарти эса ўқувчиларнинг билими, дунёқараши ва ижодқорлигини синовдан ўтказди.

Маълумки, «Камалак» болалар ташкилоти олти йўналишда фаолиятини ташкил этган. Ҳуқуқий саводхонлик, маънавият ва маърифат, меҳр ва саховат, спорт, саломатлик ва экология, матбуот, иқтидорли ёшлар йўналишлари шулар жумласидан. Жамоалар аъзоларининг ҳар бири ана шу тармоқда фаолият кўрсатаётган мактаб сардорлари эканлигини ҳисобга олсак, беллашувнинг нақадар қизиқарли ўтганини тасаввур этиш мушкул эмас. Танлов натижаларига кўра, Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Камалак» ёғдулари» жамоаси биринчи ўрин, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-мактабнинг «Камалак» билимдонлари» жамоаси иккинчи ва Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Юртдаги осойишталик иқтидорлар чорбоғини яратмоқда. Ана шу боғнинг ниҳоллари кун сайин камол топиб ҳосилга кираётгани қувонарли. Соғлом ва баркамол фарзандларимизнинг ҳажон саҳнада юрт шарофтини ҳимоя қилиб қайтаётгани фикримизга далил. «Камалак» билимдонлари» сингари танловлар эса ана шундай улкан муваффақиятларнинг мустаҳкам асосидир. Демак, мазкур йилда ҳам эртанги тараққиётнинг 112 та таянчи кашф этилди.

Дилдора КАТТАЕВА

■ Kun mavzusi ■

Бугунги ўзбек киноси:

# МУЛОҲАЗАГА БОЙ МУҲОКАМАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

«Камолот»да иш қизгин. Тўғри, бу таъкидимиз бироз ноўрин. Чунки Ҳаракатда иш доим шундай бўлган. Аммо бу галги ташаббусларнинг гувоҳи бўлиб, сўзимизни шундай таъриф билан бошлашни маъқул билдик.

Ёшлар ташкилоти ўтказаятган турли танловлару фестиваллар, форумлардан олаётган таассуротларимизни ифодалашга баъзан сўз тополмаймиз.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Ёшлар ва кино» мавзуидаги матбуот анжумани ҳам ана шундай қизгин фикр, муҳокамага бой тарзда ўтди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳали бу таассуротлар шу йилнинг 3 — 6 май кунлари ўтказиладиган «Ёшлар ва кино» республика форуми воқеаларига уланиб кетади.

Матбуот анжумани «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова очиб берди. У ўз сўзида бугунги яратилаётган киноларнинг аҳамияти, ёшлар тарбиясига таъсири, кинематография соҳасининг истиқболларига тўхтади. «Ёшлар ва кино» республика форуми доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

— Форум, чинакам маънода, ёшлар ва кино байрами бўлади, — дейди Феруза Муҳаммаджонова. — Байрамда ёшлар кино оламида яшаб, бу оламнинг табиатини ўрганади, ҳавосидан нафас олади. Боринги, кино соҳасининг ўзига хос нозик, мураккаб жиҳатлари ҳақида мутахассислардан маълумотлар олади. Албатта, буларнинг бари ёшларимиз қалбига кино санъати бўлган қизиқишнинг янада ошишига туртки бўлса, ажаб эмас.

Форум олдидан Ҳаракат томонидан қилинган ишлар ҳисоботи — тақдимот намойиши этилди. Унда форумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича етти та ишчи гуруҳнинг ишлари ўзаро муҳокама қилинди.

— Биз, «Адабий сценарий — кино санъати асоси» шўъбаси аъзолари форум бўйича кино соҳаси мутахассислари билан ўн учта давра суҳбати, бешта учрашув ташкиллаштирдик, — дейди Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Бобур Жалолов. — Шўъбамиз форумга тайёр. Унда биз кинорежиссёр, сценарийнавислар билан суҳбатлашмоқчимиз. Улар бизга маҳорат дарслари орқали кино яратиш, сценарий ёзиш сирларини ўргатадилар...

— Шўъбамиз «Замонавий ҳужжатли кино» деб аталади, — дея гап бошлади Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Азиз Матқубов. — Биз ҳам йўналишимиз бўйича учрашув,

тадбирлар ўтказдик. Ёшларнинг ҳужжатли фильмлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тингладик. Энди форумда биз маҳорат дарсларини ташкил этмоқчимиз, ҳужжатли фильмларни кўриб, муҳокама қиламиз.

Анжуманда бошқа гуруҳлар ҳам қилинган ишлар бўйича ҳисобот беришди. Кейин сўз навбати меҳмонларга берилди.

**Баҳодир Одилов,**  
**«Ўзбекино» Миллий**  
**агентлиги бўлим бошлиғи:**



— Бугунги анжуман ва бўлажак «Ёшлар ва кино» республика форуми нафақат ёшлар учун, балки биз, киночиларга ҳам жуда аҳамиятли, қизиқарли. Негаки, ушбу ташаббус орқали биз фаолиятимизга четдан назар ташлаймиз, камчилик ва ютуқларимизни кўрамиз. Энг асосийси, талабчан ёш киномухлисларнинг ўзига хос синовидан ўтамиз. Уларнинг фикр, қарашлари бугунги кино санъати ривожини учун ниҳоятда муҳим.

Мана, форум доирасида ёшлар билан кўп суҳбатлашдик. Кино ҳақидаги самимий танқидларини тингладик. Ҳақиқатан, уларнинг гапларида жон бор: баъзи киноларимиз ҳаётий эмас. Маиший мавзуларга меъёридан ошиқ мурожаат қилинаётгандек. Ишонаманки, бўлажак форум кинематография учун янги гоҳларни беради, соҳага янги нафас олиб киради.

**Шухрат Ризаев,**  
**«Жаҳон адабиёти»**  
**журнали бош муҳаррири:**



— Мен форумда кинолардаги бадий сўз, бадий тасвир масаласи ҳам муҳокама

қилинишини хошлайман. Чунки бадий образ ҳар қандай нарсага жило беради. Ёшлар маънавиятини гўзал қилади.

— **Муқаддас Камбарова,**  
**«Камолот» ЁИХ қошидаги**  
**«Бунёдкор» ёшлар**  
**телеклуби ижрочи**  
**директори:**



— Ҳозир ҳар йили юзга яқин тўлиқ метражли кинокартиналар суратга олинапти. Аксарияти хусусий киностудиялар ҳиссасига тўғри келади. Томошбинлар ҳам ушбу фильмларга тушмоқда. Шундай экан, энди киноларни давлат ёки хусусий, дея иккига ажратмай, савия, маъно-мазмун масаласида ҳар иккисига талабни тенг қўйиш керак.

Форумда «Кинодебют — дастлабки қадам» шўъбасига раҳбарлик қиламан. Унда биз ёшлар билан кино санъати, тасвир, операторлик иши, сценарий, қаҳрамонларни танлаш бўйича дарслар ташкиллаштирамиз. Шунингдек, ёшларнинг таклиф ва гоҳларини ўрганиб, энг яхши лойиҳа муаллифларини рағбатлантириш ниятимиз ҳам бор.

**СЎРОВНОМА — КЎЗГУ**

Матбуот анжуманида «Ўзбек кинолари ҳақида фикрингиз қандай?» сўровномаси натижалари эълон қилинди. Сўровнома шу йилнинг март-апрель ойларида республикамиздаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган. Унга кўра, 36 фоиз респондент режиссёрларимиз бир қолипга тушиб қолган, киноларда маиший мавзулар устувор, деган жавобни белгилашди. Қатнашчиларнинг 30 фоизи сценарийлар саёз, деган бўлса, 20 фоиз респондент фильмларнинг бўш чиқишида актёрларнинг камчилигини сабаб қилиб кўрсатган.

«Ёшлар ва кино» мавзуидаги матбуот анжумани савол-жавоблар билан якунланди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## ■ Harakat loyihalari ■

# ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ ФАРЗИНЧА ЮРИШИ

## «Камолот» шахмат тахтаси» VII республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди

Ўзбекистонда шахмат йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Буни мамлакатимиз шахматчиларининг эришаётган ютуқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг жаҳоннинг ўн еттинчи чемпиони бўлгани, Нодирбек Абдусатторовнинг саккиз ёшида ўз тенгдошлари орасида жаҳон чемпионати шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олгани ва тенгдошларимиз эришаётган бошқа галабалар бунинг тасдиғидир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақаси ҳам юртимизда бу спорт турининг жадал ривожланишига ҳисса қўшиб келаётир.

### КЎХНА ШАҲАРДА ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Шу йилнинг 23 — 26 апрель кунлари Урганч шаҳрида ўтказилган «Камолот» шахмат тахтаси» VII анъанавий республика турнири шахмат мухлису мутахассисларига бир қанча янги номларни кашф этиб берди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Маҳмуджон Эрметов, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Эркин Искандаров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Ашуров иштирок этиб, барча қатнашчиларга омад тилади.

### ЖАЖЖИ ЧЕМПИОНЛАР

Таъкидлаш керакки, финал босқичида «Камолот» шахмат

тахтаси» республика очик турнирининг туман (шаҳар) босқичларида 1916 нафар ўғил-қиз орасида ғолиб бўлган 140 нафар шахматчи иштирок этди.

Саккиз ёшли шахматчилар баҳси қизғин ўтди. Қизлар ўртасида 1-ўринни Хоразм вилояти вакили Соҳиба Бахтиёрова қўлга киритди. Кумуш медал Наманган вилоятидан Тоштилла Тўхтаназарова, бронза медал эса фарғоналик Муслимаҳон Абдумаликовага насиб этди.

Ўғил болалар ўртасида эса совринли ўринларни Тошкент, Хоразм ва Навоий вилоятлари шахматчилари эгаллашди. Тошкент вилоятидан Олмас Раҳматуллаев биринчи, хоразмлик Расулбек Абдуллаев иккинчи, навоийлик Тошмурод Тилолов учинчи ўрин соҳиби бўлди.

12 ёшли ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақалар-

да ғолибликни Фарғона вилоятидан Жасур Ҳакимов қўлга киритди. Тошкент шаҳри шаарафини ҳимоя қилган Муҳаммадбобур Маҳмарайимов ғолибдан бир очко кам жамғарган ҳолда мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлган бўлса, қашқадарёлик Салоҳиддин Жуманазаров 3-ўринга муносиб топилди. Шунингдек, Сарвиноз Қиличева (Тошкент шаҳри), Барчиной Облоева (Навоий), Дилрабоҳон Маъмурова (Фарғона) каби шахматчи қизлар ўн икки ёшлилар ўртасида совриндор бўлишди.

Ўн тўрт ёшли қизлар ўртасида қашқадарёлик Холида Намозова, Тошкент шаҳридан Хилола Абдукаримова, хоразмлик Малоҳат Ҳайитбоева, ўғил болалар ўртасида эса Анвар Эшпўлатов (Навоий), Азизбек Боймуҳаммадов (Андижон), Шохрух Баҳодировга (Сурхондарё) ғолиблик насиб этди.



Ўн олти ёшлилардан навоийлик Маржона Уктамова, қашқадарёлик Бахтинур Абдусалимова, сирдарёлик Шаҳноза Абдураҳмонова қизлар ўртасида, фарғоналик Асилбек Собиров, навоийлик Муҳаммад Умрзоқов, қашқадарёлик Бегзод Хусанов ўғил болалар орасида совриндор бўлишди.

Ўн тўққиз ёшли шахматчи қизлар ўртасида Жиззах вилояти вакили Ирода Жаъфарова, навоийлик Гулзода Тўраева, сурхондарёлик Рухшона Шарипова, йигитлар ўртасида қорақалпоғистонлик Зийнаддин Каримбоев, наманганлик Сойибжон Адашев, Қашқадарё вилояти вакили Ислоҳ Тожи-

ев кучли учликдан ўрин олишди.

Мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчилари турли номинациялар бўйича ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Турнир якунига етгач, 26 апрель куни барча ёшлар кўхна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрига йўл олишди. Тарихий обидалар билан яқиндан танишган ёшлар Шовот канали бўйлаб ҳамда вилоят марказидаги «Ёшлар кўли»га саёҳат қилишди.

**Шоҳсанам МАҲМУДОВА**  
тайёрлади

# ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАГАНЛАР УЧУН!

## «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳасини бошлади

Бир кунда қанча миқдорда йод истеъмол қилиш керак? Неча марта бадантарбия билан шугулланиш тавсия этилади? Соғлом овқатланиш нима дегани? Гигиена қандай қоидалардан иборат? Бундай саволлар оддий бўлиб туюлса-да, ҳар ким ҳам уларга тўқис жавоб беролмайди. Ваҳоланки, соғлом турмуш тарзи айнан ана шундай оддий нарсалардан бошланади.



Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати янги лойиҳани бошлади. «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» деб номланган акцияда 193 нафар кўнгилли ёш иштирок этмоқда.

— Соғлом бўлишни ҳамма хоҳлайди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг саломатлик ва экология лойиҳалари бўлими мудири Зарина Эгамбердиева. — Лекин кўпинча турли касалликлар билимсизлигимиз туфайли келиб чиқади. Массалан, камқонлик нотўғри

овқатланиш оқибати эканини билмайдиган одамлар орамизда жуда кўп. Ҳадеб ёғли таомлар ҳамда кимёвий қўшимчаларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида организмимизда моддалар алмашинуви бузилади. Бир қатор органлар ишдан чиқади. Натижада, турли хасталикларга чалинаемиз. Бугунги кунда дунё микёсида курашиб келинаётган сил касаллиги қандай келиб чиқиши, юқиш йўллари ва умуман, бу касалликдан бутунлай

тузалиш мумкинлигини ёки бўлмаса, организмда йод танқислиги ногирон фарзандларнинг туғилишига сабаб бўлишини билмайдиганлар ҳам талайгина. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг оғир асоратлари бўйича ҳам шу аҳвол. Яна бир гап. Касалликларнинг профилактикасига кўпам эътибор беравермаймиз. Ваҳоланки, биргина кундалик бадантарбия ёрдамида қанчалаб касалликларнинг олдини олиш мумкин. Бадантарбия, шахсий гигиена соғлом

турмуш тарзининг ажралмас қисмларидир. Бу фикрни кишига болаликдан оқ сингдириш керак. Шу туфайли акцияга фақат ёшларни жалб этдик. Аввалига, кўнгиллилардан иборат соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари гуруҳини туздик. Ҳар бир туман ва шаҳардан бир нафардан коллеж ёки лицей ўқувчиси танлаб олинди.

11 — 21 апрель кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида 193 нафар тарғибот-

чи учун икки мавсумда ўқув-семинарлари ташкил қилинди. Ўқув машғулотларини Ҳаракат қошидаги Ўқув-услубий марказнинг малакали тренерлари, Саломатлик ва тиббий статистика институтини ҳамда Республика аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш маркази мутахассислари олиб боришди. Бўлғуси тарғиботчилар ОИВ/ОИТС ва турли йўллар орқали юқадиган касалликлар, алкоголь ва тамаки, гиёҳванд моддаларнинг инсон саломатлигига таъсири, йод танқислиги, камқонлик ва сил касаллиги, репродуктив саломатлик, тўғри овқатланиш, кун тартиби ва шахсий гигиена қоидалари хусусида атрофлича маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, уларга нотиклик ва етакчилик маҳорати, ёшлар аудиторияси билан ишлаш, «тенгдош-тенгдошга» усулидан фойдаланиш, тарғибот тадбирларини ташкил этиш механизмига доир тренинг ва амалий дарслар ўтилди.

— Ўқув-семинарларида қатнашган ёшларни тарғибот материаллари билан ҳам қуроллантирдик, — давом этади З.Эгамбердиева. — ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандлик ҳақидаги буклетлар, чекиш ва ичкилик-бозликнинг хунук оқибатларидан сўзловчи махсус стикерлар, шахсий гигиена қоидалари билан таништирувчи мультипликацион ва инфорацион плакатлар шулар жумласидан. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида бўлимиз томонидан тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича тавсиянома ҳамда акциянинг барча мавзу йўналишлари бўйича алоҳида ўқув қўлланмалар жами 772 нусхада тайёрланиб, чоп этилди. Бундай материаллар тарғибот жараёнида, албатта, асқотади.

Тарғиботчилар жойларда соғлом турмуш тарзига доир тадбирларни бошлаб юборишган. Улар олдидаги бирламчи вазифа — таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўз тенгдошлари учун инфорацион мини сессиялар ўтказиб, имкон қадар кўп ёшларни соғлом турмуш тарзи асосларидан хабардор этиш. Улар ўз атрофида бошқа кўнгилли ёшларни ҳам тўплаб боришади. Шу аснода ташаббускорлар акциянинг кўлами ва тарғиботчилар сафини кенгайтириш ниятидалар.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# ГЁТЕНИ ЎЗБЕКЧА ГАПИРТИРГАН ҚИЗ

**Қарши давлат университетининг роман-герман филологияси факультетида немис тили йўналиши бўйича таълим олаётган Мафтуна Нодирова бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритган изланувчан ва фаол тенгдошларимиздан бири.**



ЎЗА сурати

Мафтуна жуда тиришқок. Айни вақтда у университетдаги «Ёш таржимонлар мактаби»нинг етакчиси, шунингдек, «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг иқтидорли ёшлар билан ишлаш йўналишида факультет сардори. Унинг тенгдошларига немис тилини ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самара

бераёпти, кўп талабаларнинг хорижий тилларга қизиқиши ортиб бормоқда.

— Университетимизда иқтидорли ёшлар кўп, — дейди Мафтуна. — Улар орасида чет тилларни чуқур ўрганиб бораётган талабалар ҳам талайгина. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда хорижий тилларни ўрганишга қаратилган юксак эътиборнинг амалий намунаси бўлди. Бунинг натижасида, биз, «Ёш таржимонлар мактаби» аъзолари ҳам кўплаб ишларга қўл урдик. Жумладан, мен «Мактаб ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишни осонлаштирувчи методик тавсиялар»ни ишлаб чиқдим. Уларни Қарши шаҳридаги 29-мактабда амалиётда муваффақиятли қўлладик.

Мафтуна бадиий адабиётга ҳам қизиқади. Мутолаани канда қилмайди. Устоз мутаржимлар ижодини ўрганади, ўзи ҳам бадиий таржима билан шуғулланади. Унинг бу машаққатли соҳадаги илк уринишлари ҳосиласи сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини, Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг иш-

лари» асарини немис тилида, Гёте, Шиллер сингари немис адибларининг ижод намуналарини эса ўзбек тилида ўқишимиз мумкин.

Мафтуна 2013 йилда Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлган. У кўплаб танловлар, илмий-амалий конференцияларда ҳам фаол иштирок этади. Шунингдек, «Генрих Гейне лирикаси» номли рисоласи ҳамда «Қадамлар ҳикмати» номли шеърини тўплами чоп этилган.

— Бугунги кунда юртимизда биз, ёшларнинг баркамол инсон бўлиб воёга етишимиз, ўз истеъдодимизни намоён қилишимиз учун барча шароитлар яратилган, — дейди М.Нодирова. — Мен ҳозирга қадар нимагаки эришган бўлсам, ана шу юксак ишонч ва эътибор туфайли эришдим. Биз Президентимизнинг ёш авлодга билдирган юксак ишончини, албатта, оқлашга ҳаракат қилиб, юртимиз тараққиёти йўлида янада олға қадам ташлайверамиз.

**Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Бугун тиббиёт, фармацевтика, озиқ-овқат ва бошқа қатор соҳаларда ГМО кенг татбиқ этилаётганига қарамай, бундай организмларнинг фойда-зарари тўғрисидаги баҳслар ҳамон тингани йўқ. Биз айрим саволлар билан мутахассисга мурожаат қилдик. Суҳбатдошимиз — Ўзбекистон фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказининг лаборатория мудир, биология фанлари номзоди Шухрат Шерматов.

— **Ҳозир ГМОнинг зарари тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу фикр қанчалик асосли?**

— Аксарият одамлар генетик модификацияланган организмларни зарарли деб ҳисоблайди. Бу фикр мутлақо асоссиз. Чунки ГМОнинг зарари илмий жиҳатдан исботланмаган. Кўпчилик, асосан, генетик ўзгартирилган ўсимликлар ҳамда таркибида ГМО мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларидан хавфсирайди. Гўё улар инсон учун биринчи даражали душмандек. Аввало, ГМО нималигини тушуниб олсак. Гени махсус илмий методлар (биотехнологиялар) ёрдамида сунъий равишда ўзгартирилган организм ГМО деб аталади. Гени ўзгартириш технологияси биринчи бўлиб ўсимликларда қўлланил-

# ГМО

## ХАВФЛИМИ?

Нега трансген ўсимликлар ҳақида ўринсиз хавотирлар кўпу, далиллар етарли эмас?

**Роппа-роса ярим аср аввал ДНК кашф этилган эди. Натижада, олимлар тирик организмларнинг генетик хотирасини ўқиш имконига эга бўлишди. Бирин-кетин ўсимликлар, турли микроорганизмлар ва ҳайвонлар, янги мингйиллик арафасида эса инсон геноми тўлиқ ўрганилди. Кўп ўтмай, фанда генларни бошқариш мумкинлиги исботланди. Ген инженерияси ёрдамида илмий лабораторияларда янги — генетик модификацияланган организмлар (ГМО) дунёга кела бошлади. Ҳозир истеъмолимиздаги кўплаб дори препаратлари ГМО асосида яратилган. Дунёда юзлаб трансген ўсимлик навлари етиштирилмоқда. Аксарият озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам гени ўзгартирилган организмлар мавжуд.**

ёрдамида ҳал этса бўлади. Аввал-бошданок ўсимликларда генлар фаолиятини ўзгартиришдан кўзланган асосий мақсад қисқа вақт ичида сифат-

вобгар бўлган генларни сунъий ўзгартириш орқали эртапишар янги бир ўсимликни олиш ёки бошқа генларни ўзгартириб ўсимликнинг турли касалликлар, сувсизлик ва шўрхоликка чидамлилигини ошириш мумкин. Замонавий ген инженериясида гени бошқариш: ўчириб қўйиш, алмаштириш имконини берувчи биотехнологиялар татбиқ этилмоқда. Илгари генетик модификацияланган организмлар, асосан, ҳар хил организмлар генларини бир-бирига киритиш йўли билан яратиларди. Ҳозирги кунга келиб организмнинг ўзидаги генларни ўзгартириш усулидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бу эса ГМОни табиий ўсимликларга яқинлаштирмоқда. Масалан, марказимизда «ген нокаут» технологияси ишлаб чиқилган. Шу технология ёрдамида гўзанинг гуллашига таъсир этувчи

**Г**ен инженерияси асосида яратилган ўсимлик навлари озуқа қуввати, таъми ва ташқи кўриниши жиҳатидан табиий аналогларидан сира фарқланмайди. **Трансгенлар инсон учун безарар.**



генлар фаолиятини тўхтатиб, эртапишар, серҳосил, толаси узун ҳамда қурғоқчиликка чидамли гўза навларини яратишга муваффақ бўлди. Янги навларни олишда фақат гўзанинг генлари ишлатилиб, бошқа организмларнинг генлари киритилмайди. Биотехнологияларнинг такомиллашуви ГМОлар ва табиий ўсимликлар ўртасидаги фарқнинг йўқолишига олиб келмоқда.

— **Таркибида ГМО мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари инсонда мутацияни юзага келтириши ҳақидаги фаразлар ҳам бор. Айрим манбаларда бундай организмлар туғилажак боланинг ривожланишига салбий таъсир этиб, мутаген реакцияларни, шу-**

май, одамзот шафтоли ёки сабзига айланиб қолмаган. Худди шу каби трансген ўсимликлар ҳам бизни қувалчанг ёки қурбақага айлантириб қўймайди. Улардан қўрқмаслик керак.

Агар бирор ўсимлик инсонда аллергияни кўзгатса, бу ген ўзгариши билан боғлиқ эмас. Бугунги кунда трансген ўсимликлар етиштирилаётган экин майдонлари қаттиқ назорат қилинади (гарчанд, ГМОнинг инсон организмига салбий таъсири исботланмаган бўлса-да) кези келганда, табиий ўсимликлар ГМОга қараганда хавфлироқ ҳам. Чунки баъзи ҳолларда уларни етиштиришда турли дори воситалари, асосан, пестицидлар меъёридан ортиқ ишлатилиши мумкин.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

**Ў**збекистонда яратилган «ген нокаут» технологияси ёрдамида гўза генларини ўзгартириш мумкин.



ган. XX асрнинг 80-йилларида АКШнинг Монсанто компанияси томонидан дунёдаги илк ана шундай ўсимлик — трансген тамаки яратилди. Кейинчалик генетик ўзгартирилган томат, соя, маккажўхори, гўза каби бошқа ўсимликлар пайдо бўлди ҳамда жаҳон бозорида кенг тарқалди. Ҳозирги кунда генетик модификацияланган ўсимликлар жами 170 миллион гектар майдонда экилмоқда. Ер юзида экологик вазият яхши эмас, бошқа томондан, аҳоли сони ҳам кўпайпти. Шундай шароитда қишлоқ хўжалик экинларида бўлган талаб, табиийки, ортади ва уни тез суръатда қондириш керак. Мазкур муаммони фақат ГМО

ли, серҳосил ва касалликларга чидамли янги навларни яратиш эди. Ваҳоланки, бу жараён табиий, яъни оддий селекция йўли билан бажарилса, йигирма-ўттиз йил ва ҳатто, ундан ҳам узоқ вақт кутиш керак бўлади.






— **Бугунги кунда трансген ўсимликларнинг янги навларини яратишда қандай усул ва технологиялардан фойдаланилмоқда?**

— Трансгенлар ўсимлик генини ўзгартириш тамойили асосида яратилади. Масалан, бирор ўсимликда гуллаш учун жа-

**Б**угунги кунда гени ўзгартирилган ўсимликлар дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларида жами **170 миллион гектар** майдонда етиштирилмоқда.



■ Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor ■



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ёш истеъдодларнинг биринчи китобларини нашр этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган тўрт йил давомида, 2011 йилдан бошлаб иқтидорли ёшларнинг «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида катта нусхаларда чоп этилган илк китоблари мамлакат мактаб ва коллежлари, билим юртлиари ва ахборот-ресурс марказларига бепул тарқатиб келинмоқда. Бу китоблар ёш истеъдодларни юзага чиқаришнинг муҳим амалий ифодасидир.

Ўтган қисқа муддат ичида ҳаммаси бўлиб 31 номда, жами 550 000 нусхада «Биринчи китобим» туркумидаги китоблар чоп этилди. Катта-катта иншоотлар, йўллар ва кўприклар қурилаётган, шаҳар ва қишлоқларимиз мутлақо янги қиёфа касб этиб, заҳматкаш халқимиз яратувчанлик завқи билан кўркам ҳаёт бунёд этаётган мамлакатимизда ёш ижодкорларимизнинг биринчи китобларини ҳам келажакка дахлдор маънавий йўл ва кўприкларга қиёслаш мумкин.

Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриёти томонидан яқиндагина чоп этилган навбатдаги ўн нафар ёш қаламкашларнинг замонавий дизайндаги кўркам муқовали, тоза, сифатли саҳифаланган илк китобларига ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Бу китобларга қараб мен бундан салкам ўттиз йил бурун нашриётлар эшигида саргайиб, не-не машаққатлар билан дунё юзини кўрган, буни устига иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилган ўзимнинг илк китобимни эсладим... Шу ҳавас, кечинмаларим беихтиёр шеърий сатрларга айланди.

**Сирожддин САЙИД,**  
Ўзбекистон халқ шоири

# АДАБИЁТ

## Биринчи китоби чиққан шоир укаларимга

Гарчи бўлмас оламда қари, ёш Адабиёт,  
Ё бебош Адабиёт ёки Бош Адабиёт.  
Кўкламдай гулталову дилталову Адабиёт,  
Илк китобингиз кўриб айтса бўлмай бемалол:  
Адабиёт кексаймас, мангу ёш Адабиёт.

Илк китоб — умрингизда бу илк катта қадамдир,  
Инсон умри агарчи бир чақин ё бир шамдир,  
Асрларга етар Сўз — бир нафасдир ё дамдир,  
Адабиёт — оламдир, Адабиёт — одамдир,  
Бор олам аҳли билан қон-қардош Адабиёт.

«Наводир уш-шабоб» бу, яъни ёшлик айёми,  
Навоий боболарнинг Сиз хушхабар, пайғоми.  
Сиз янги даврларнинг минг йилларга саломи,  
Ҳазрати Бобурларнинг йигитлигин давоми,  
Сиз ўшал кескир қилич — кўзу қош Адабиёт.

Ўсмирлик кунларимнинг тонглари эласам,  
Илк китоб деб қон ютиб, дилда алам, кўзда нам,  
Қишлоқда кутар эди ул китобимни онам,  
Нописанд ноширларга мўлтираб мисли шабнам,  
Ўйлаганмиз: бунча ҳам бағритош Адабиёт.

«Адабиёт ўлмайди!» Рост айтмишлар устозлар,  
Чўлпон муаллим бунда Сизга тилар парвозлар,  
Миллат яшар то яшар миллатпарвар овозлар,  
Дил торин юрт қаддига тор этиб чалинг созлар,  
Токи эл айтсин: элдош ҳам дилдош Адабиёт.

Бир сўз гоҳ узун тунлар қўймай қасди жон айлар,  
Бир шеър узра кечгай гоҳ йиллардан узун ойлар.  
Бир сўз Сизни ҳам еру ҳам баланд осмон айлар,  
Бир шеър Сизни бир тонгда соҳиби жаҳон айлар,  
Офтоб мисол нурпошу меҳрош Адабиёт.






Дунё ҳали бут эмас — риёлик, ёлғонликдир,  
Бир қўлида қуроли бир қўли Қуръонликдир,  
Токи башар фарзанди кўзи ёш, армонликдир —  
Адабиёт — фидолик. Шеърият — қурбонликдир,  
Жонингизни айлар гоҳ айирбош Адабиёт.

Янги қадду қоматда келгандайин йилларим,  
Менинг тўрғай дилларим, булбулзабон тилларим,  
Шеър ўқиса мавжланиб жимирлар кўнгилларим,  
Зебуннисолардан кам эмас бу сингилларим,  
Ўн саккизга қирган гул, қаламқош — Адабиёт.

Термизда байт айтсангиз — янграгай Фарғонада,  
Акс садо бергай сўнг ҳар мактаб, синфхонада.  
Шаҳру қишлоқлар бўлиб ҳар қуй, ҳар таронада,  
Улғаяр Адабиёт ҳар уй, ҳар кошонада,  
Урганч, Самарқанд, Нукус, Тошкент, Шош — Адабиёт.

Шу зангор китобингиз Сизга жону тан бўлмай,  
Саҳфа-саҳфа, бетма-бет шароф бўлмай, шан бўлмай,  
Зангори уфқларга узанган чаман бўлмай<sup>1</sup>,  
Яшнаган Ватан бўлмай, ястанган Ватан бўлмай —  
Ўзбекистон мисоли серқуёш Адабиёт.

<sup>1</sup> Устоз А.Орипов сатри.



■ Yoshlar festivali davom etadi ■

# АЛПОМИШ ЮРТИДА ЁШЛИК БАЙРАМИ

Сурхондарё вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»  
шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди



**Мазкур фестиваль вилоятнинг маркази Термиз шаҳридан бошланди. Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ шоиру ёзувчилар, қўшиқчию актёрлар ва депутатлардан иборат жамоа тарғиботчи сифатида иш юритди.**

## «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Фестивалнинг биринчи куни Жарқўрғон туманига отланган тарғиботчилар сафига биз ҳам қўшилдик. Меҳмонлар орасида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Мавлуда Алимова, таниқли санъаткор ва ҳуқуқшунос Отабек Маҳамов, Ўзбекистон фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти Ёш олимлар кенгаши раиси Феруза Сафарова, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Азиз Эсонов бор эди. Йўл-йўлакай улар билан суҳбатлашиб бордик. Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати Мавлуда Алимова Жарқўрғон туманида амалга оширилаётган ишларни, айниқса, мустақиллик йилларида қад ростлаган бир-биридан кўркам иншоотлар, ўқув муассасалари, санаот корхоналари, спорт иншоотлари ва умуман бу ердаги ободликни кўриб:

— Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Мен Жарқўрғон туманига биринчи бор келишим, аммо тумандаги амалга оширилган ишларни бир қарашданоқ билса бўлади, буларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди хурсанд бўлиб.

Куннинг иккинчи ярмида Жарқўрғон тумани ҳокимлигининг катта мажлислар залида тарғиботчилар гуруҳи тумандаги барча коллеж ўқувчилари, «Камолот» фаоллари билан суҳбатлашишди.

— Сурхондарё вилоятининг

чекка-чекка туман ва қишлоқларида бўлиб, ёшларнинг илм-фанга нақадар қизиқишларини кўрдик, — дейди Ўзбекистон фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти Ёш олимлар кенгаши раиси Феруза Сафарова. — Олий ўқув юртига кирмоқчи бўлган ёшлар коллеж ва лицейларда кўпчиликни ташкил қилар экан. Уларга Ўзбекистон Фанлар академияси, илмий тадқиқот институтлари, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш тизими ҳақида маълумотлар бердик. Улар бизни тинглагач, келгусида илмий ишлар олиб бориш истаклари борлигини айтиб бизни қувонтирди.

Қизгин ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Туманда бўлиб ўтган барча тадбирларда «Энг яхши савол» ҳамда «Энг яхши тақриф» билдирган қатнашчилар муносиб тақдирланди.

## «ФУТБОЛ ШОУ» БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

Миллионлар ўйини — футбол кўпчиликнинг сеvimли машғулоти бўлса, уни шунчаки томоша қилишни ҳуш кўрадиганлар ҳам талайгина топилади. Фестиваль доирасида ўтказилган футбол шоу барчанинг диққат марказида бўлди. Стадионларда деярли бўш ўриндиқ қолмади.

Термиз шаҳри, Шеробод, Сариосиё, Кумқўрғон туман-

ларида ташкил этилган футбол мусобақаларида «Камолот» фаоллари, маҳалла ёшлари ва тарғибот гуруҳи аъзолари иштирок этиб, мухлисларни хурсанд қилишди. Айниқса, Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида воҳа ёшларидан иборат «Камолот»чилар ва санъаткорлардан иборат «Тарғиботчилар» жамоалари ўртасидаги футбол мусобақасини томоша қилиш учун икки минг нафарга яқин ёш келганлиги ўйинга кўтаринкилик бахш этди. Фестиваль доирасида ўтказилган «Футбол шоу» барча ёшлар учун манзур бўлди десак, муболага бўлмайди. Айниқса, ўйинни шарҳлаб борган актёр Санжар Шодиевнинг ҳазил-мутуйибалари барчага яхши кайфият улашиб турди. Қизгин ва мурасасиз кечган мусобақада дўстлик ғалаба қозонди.

## СИЗ СЕВГАН ҚАҲРАМОНЛАР ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ КИМ?

Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида «Сиз

ди, — дейди Термиз давлат университети талабаси Жасур Астанақулов.

Тадбир давомида ёш шоирлар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди. Кечада университетнинг энг фаол ва иқтидорли талабалари муносиб тақдирланди.

«Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳалари Термиз, Шеробод, Кумқўрғон, Сариосиё, Узун, Шўрчи, Денов, Олтинсой, Қизирик, Бойсун туманлари ҳамда Термиз шаҳрида амалга оширилди.

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

«Боланинг бегонаси бўлмайди» хайрия учрашувлари воҳадаги меҳрибонлик уйлари, имконияти чекланган ёшлар мактабларида ўтказилди.

Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйига ташриф буюрган фестиваль тарғиботчилари тарбияланувчилар билан яқиндан танишиб суҳбатлашдилар. Тадбир давомида тарғибот гуруҳи аъзолари болажонлар билан меҳрибонлик уйи ҳовлисига кўчат экдилар.



севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳаси доирасида Термиз давлат университети талабалари, санъаткорлардан иборат гуруҳ иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда актёр Улуғбек Қодиров, хонанда Адҳам Солиев билан учрашув ўтказилди. Тадбирда ёшлар сеvimли санъаткорлари билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилаётган фестиваль сурхондарёлик ёшларнинг чинакам байрамига айланиб кет-

— Аҳамият берган бўлсангиз, барча тарбияланувчиларимиз сеvimли санъаткорлари билан биргаликда ниҳол экишди, — дейди 12-меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Алишер Қиличев.

Тарғибот гуруҳи вакиллари «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» лойиҳаси доирасида 117 нафар имконияти чекланган ёшлар, 19 нафар боқувчисини йўқотган кексалар хонадонларига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олишди. Эсдалик совғалари топширилди.

## ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтган тадбир айнан шундай номланди. Тадбирда офицер ва аскарлар, уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

— Фестиваль ҳар йилгидан ажойиб, эсда қоларли бўлаяпти. Кўриб турганингиздек, барча ёшларнинг юзида табассум. Мен бунинг учун Президентимизга ва тадбир ташкилотчиларига раҳмат айтаман. Бу тадбир бизни келгусидаги фаолиятимизда катта куч ва янада шижоат бахш этиши шубҳасиз, — дейди ҳарбий хизматчи Нигина Нурчаева.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали гала-концерт билан якунланди. Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасида ўтказилган концертда ўн мингга яқин ўқувчи ва талабалар, иқтидорли ёшлар, туманлардан келган «Камолот» фаоллари иштирок этди. Тадбирда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Шукуров фестивални



ўтказишда яқиндан ёрдам берганлиги учун Сурхондарё вилоят ҳокимлигига Марказий Кенгаш номидан ташаккурнома топширди.

Алпомишлар юртида ўтказилган ёшлар фестивали қалбларда ўчмас из қолдирди.

Фестиваль сўнгида тинчлик рамзи бўлган оқ кабуларлар мусаффо осмон узра баланд-баландларга парвоз қилди. Биз ҳам ўз навбатида ёшларга парвозингиз баланд бўлсин дея тилак билдирамиз.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбири



■ Tashabbus ■

## «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ — ТЕЛЕЭКРАНДА

**Харакатнинг Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан Хоразмда ўқувчи ва талаба-қизлар ўртасида «Камолот» маликаси» телевизион кўрик-танлови ўтказилди.**

Навбатдаги телебеллашувда ахборот ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежи вакиллари қатнашди. Танлов шартига кўра, иштирокчилар эрта никоҳнинг олдини олиш, оилада қайнона-

келин ва эр-хотин муносабатлари, бола тарбиясида онанинг ўрни, маҳаллалардаги ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш,

ёзги таътилда болаларнинг дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларда китобга меҳрни янада кучайтириш ва бошқа мавзуларда ижтимоий лойиҳаларини тақдим этдилар.

1-ўринни коллеж ўқувчиси Севинчой Раҳимова қўлга киритиб, танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди. Ҳакамлар ҳайъати Ёрқиной Худойбергано-

ва, Гулнора Саидова, Нигора Аминова, Насиба Матёкубованинг лойиҳаларини ҳам юқори баҳолашди. Фаол иштирокчилар «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди.

**Ш.БОБОЖОНОВА,  
«Камолот» ЁИХ Урганч  
шаҳар кенгаши  
бош мутахассиси**

■ Daxldorlik ■

## СОҒЛОМ БОЛА ОРЗУСИ

**Боланинг истаги ёмон бўлмайди: «Дада, катта бўлсам, машҳур спортчи бўламан, шунда ҳамма мени танийди». «Ая, катта бўлсам, ўзимнинг «Капитива»да сизни олиб юраман». «Буви, катта бўлсам, сизни турли шаҳарларга саёҳат қилдириб келаман». Эҳ-ҳе, орзуси кўп уларнинг. Боғчага етаклаб кетаётган қизалоқ دادасига нималардир деб чулдираётган бўлса, унинг дадасига қилаётган ҳар бир мурожаатида орзу тўла ҳаяжон мужассам эканлигини ҳис қиламан. Қизалоқ ёки болакай сакраб-сакраб юрса, у онасининг тасдиқ тўла сўзларини эшитганидан шодон эканлигини сезаман.**

Отанинг ҳам, онанинг ҳам истаги шундай: болам соғлом бўлса, билимдон бўлса, ақлли бўлса, қалбинга кулоқ солса, бахтли бўлса...

Юртимизда амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишларнинг ҳаммаси ана шу истақларга жуда ҳамма ҳақдор. Ҳар битта йилга алоҳида ном берилиб, ҳар бир соҳада ўзгариш ва янгиланишлар амалга ошаётганини кўриб шуқроналик туйғуси қалбингизни забт этади. Бу йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши шу пайтгача бажарилган ишларнинг яна бардавом эканлигидан далолат берапти.

«Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти

рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди».

Газетадан бу сўзларни ўқирканман, қалбим ифтихор туйғуси билан жўшди. Телевизорда хиёбонларни сайр қилиб юрган бахтиёр жуфтликлар ва уларни ҳоли-жонига қўймай қизиққан нарсасига ундаётган жажжи болакайларни кўрганда ҳаваси келади одамнинг. Ўзимнинг учта неварам бор. Уларнинг ҳар бир гапи, ҳар бир ҳаракатини кўриб қувонаман, қалбим яшаргандай бўлади.

Мен фаолият кўрсатаётган Жиззах тиббиёт коллежида ўқувчилар ўзларининг бўлғуси саломатлик посбонлари эканликларини жуда яхши англайдилар. Улар Жиззах шаҳридаги турли тиббиёт муассасаларида амалиёт ўтайдилар.

Битирганлари шифохоналарга ишга жойлашмоқда. Болалар соғлигини ҳимоя қиладиган ёшлар шу ерда таҳсил олаётгани ҳам менинг соғлом бола ҳақидаги сўзларимга ҳамма ҳақдор.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига биноан амалга оширилиши мўлжалланган ишлар ҳақида гапирганда, янги қурилган болалар мусиқа ва санъат мактабларида кўшиқ куйлаётган ёки соз чалиб турган, янги спорт иншоотларида турли машқларни бажараётган, қайтадан таъмирланган истироҳат боғларида шўх-шодон ўйнаётган бахтиёр болажонларни кўз олдимга келтираман. Нега деганда, қайси гўшага борманг, болалар учун янги қад ростлаган иншоотларни кўрасиз. Эндиликда эса дастурда кўрсатиб ўтилганидек, мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Юртимизда ёш авлодга берилган катта эътибор ва кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар замирида ана шундай улкан мақсадлар ётибди. Шундай эмасми, азиз замондош?!

**Санобар БОЛИБЕКОВА,  
Жиззах тиббиёт коллежи  
ўқитувчиси**



## Гулкараммисан, гулкарам!

Буюк британиялик деҳқон Питер Глейзбург оғирлиги сақам 27,5 килограмм келадиган гулкарам етиштирди.

Муваффақият сирини ошкор этишни истамаётган деҳқон гулкарам устида бир неча йил бош қотирганини «қистириб» ўтган, холос. Гулкарам расмийлаштирилиб, мамлакат боғбонлари жамияти томонидан олиб кетилган. Айни пайтда у экспертлар ихтиёрида, натижа кўнгилдагидек бўлса, деҳқон номи «Гиннес рекордлари»дан жой олади.

Аввалги рекордни ҳам британиялик киши 1999 йилда ўратган бўлиб, гулкарам 24,6 килограмм тош босган эди.

Айтганча, дунёдаги энг катта пиёзни ҳам Питер Глейзбург етиштирган.

## Раққослар мусобақаси

Бразилияда рақс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 36 мамлакатнинг 150 нафар раққос ва раққосаси иштирок этди.

Мусобақа ҳайъати аъзолари таниқли раққослар билан бирга фитнес, бодибилдинг ва Арнолд Шварценеггер номли жанг санъати усталаридан тузилди. Мусобақада ишқибозлар ва профессионаллар иштирок этди. Етти ёшдан қирқ ёшгача бўлганлар ўртасидаги турнир натижалари эълон қилинмади. Унда иштирок этган профессионал раққос ва спортчиларга турли йўлланмалар берилган бўлса, ишқибозлар қимматбаҳо совғалар билан сийланди.

## Сифат биринчи ўринда

«SAMSUNG» компанияси ўзининг «Galaxy S5» флагман смартфонини билан боғлиқ муаммоларни расман тан олди ва шикоятларни тасдиқлади.

Янги қурилманинг анчагинасида кутилмаган носозлик «Warning, Camera Failed» (диққат, видео-камерада носозлик) деган огоҳлантириш пайдо бўлган. Телефон соғломлигини янгилаб ҳам, илк ҳолатига ўтказиб ҳам хатони тузатиб бўлмаган. Корпорация ходимлари сўзларига қараганда, носозлик телефоннинг бир партиясида учраган. «Samsung»нинг носоз қурилмасига эга бўлган фойдаланувчилар, одатдагидек, аппаратни сервис марказларидан созиға алмаштириб олишлари мумкин.

## Табиий офат натижасида

Бангладеш шимолидаги Нетрокон округида пўртана ёпирилиши натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди.

Маълум бўлишича, ҳалок бўлганлар орасида уч нафар ёш бола ва ҳомиладор аёл бўлган. Яна йигирма киши жабрланган, улардан иккитасининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда. Мамлакат Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги баёнотида кўра, табиий офат натижасида жабрланганлар яна бўлиши мумкин. Шу сабаб, қидирув-ёрдам ишлари маълум вақт давомида тўхтатилмади. Пўртана натижасида мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолган, гуруч далалари пайҳон бўлган.

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# ГУЛЛАР ШАҲРИДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг финал босқичида қатнашадиган ёшлар, мураббийлар ва меҳмонлар Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган хизмат кўрсатиш, 1-тиббиёт ва Давлатобод енгил саноат коллежларининг тураржойларида, «Дўстлик» теннис корти меҳмонхонасига жойлаштирилади.

Шаҳардаги олтита объектда спортнинг ўн олти тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Жумладан, Наманган олимпия захиралари коллежида ўсмирлар ва қизлар ўртасида баскетбол, «Дўстлик» теннис кортида стол тенниси ва катта теннис, «Паҳлавон» спорт мажмуасида бадий гимнастика, «Баркамол авлод» спорт мажмуасида енгил атлетика, қўл тўпи, футбол, оғир атлетика, шахмат, сузиш, Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт залида волейбол, Олий спорт маҳорати мактабида дзюдо, юнон-рум кураши, эр-

кин кураш, бокс, таэквондо-нинг WTF йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган.

Спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари «Навбахор» марказий ўйингоҳида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Спорт мусобақаларига бокс, оғир атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо, дзюдо ҳам қўшилган. Беллашувларда жами 2100 нафар иштирокчи қатнашиши кутилмоқда. Улардан 996 нафари спортчилар, 224 нафари мураббийлар, 140 нафари ҳакамлар, юз нафари хизмат кўрсатувчи ходимлар, 140 нафари оммавий ахборот воситалари ходимлари, 360 нафари хореографлар, 15 нафари спорт федерациялари вакиллари бўлади. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг ахборот маркази ҳамда алоҳида веб-сайт ишга туширилди.

Мусобақалар ўтказиладиган, меҳмонлар истиқомат қиладиган объектларда кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, «Навбахор» марказий стадионида мухлис-



Ҳотам Мамадалиев олган сурат

ларга завқ улашувчи мусиқий фаввора бунёд этилмоқда.

Спорт байрами доирасида вилоят марказининг диққатга молик жойларига саёҳат, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Мусобақа қатнашчилари Заҳридин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтойлар» боғида мазмунли ҳордиқ чиқарадилар, «Истиқлол», «Ифтихор кийим саноат» корхоналарида бўлиб, улар фаолияти билан танишадилар. Эл севган санъаткорлар, шоир ва адиблар билан ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ташкил қилинади. Боғ ва хи-

ёбонлардаги маданий тадбирларда фольклор-этнографик жамоалар, эстрада ғуруҳлари хизматда бўлади.

— Иил давомида истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, шаҳримизнинг гавжум кўчалари ва йўлакларини ободонлаштиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга оширишни ва уларга вилоят ёшларининг барча қатламларини жалб этишни режалаштирганмиз, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Иброҳим Ҳожиёв. — Бугун биз, наманганлик ёшлар катта спорт байрамида ҳақиқий мезбонлик бурчини адо этишга, шаҳримизнинг барча ҳудудларидаги кўка-

ламзорлаштириш ишларида фаол қатнашишга, спорт мусобақаларининг ҳамда маданий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, ҳаммамиз кутаётган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари юртимиз ёшларининг ҳаётида катта ўзгаришлар ясаиди: ҳар биримизнинг қалбимизга ғурур, жўшқинлик олиб киради, ўқиш ва меҳнат фаолиятимизда янгидан-янги зафарлар бахш этади, орзу-интилишларимизнинг рўёби йўлида дадилликка чорлайди.

Дилбар АСКАРОВА

## «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

17-савол:

Куйидаги футболчилардан қайси бири 1998 йилги жаҳон чемпионатида Франция терма жамоаси таркибига бўлмаган?

А. Юрий Жоркаефф Б. Давид Жинола.  
В. Лоран Блан

### Bir chimdim maslahat

— Компьютерда ишласам, кўзим тезда ачишиб, ёшлана бошлайди. Нима қилсам, бунинг олдини олган бўламан?

Ўлмас Аҳмедов,  
Самарқанд вилоятидан

Баҳодир УМАРОВ,  
олий тоифали кўз  
шифокори:



— Тиббиётда «компьютер синдроми» деган тушунча бор. У компьютерда узлуксиз равишда узоқ вақт (кўзга дам бермаган ҳолда 30 дақиқадан ортиқ) ишлайдиган инсонларда шаклланади. Бунда кўз тез чарчайди, қизаради, ёшланади, қуруқлашади, кўзда ёт нарса бордек туюлади. Бундай аломатлардан бири, бир нечаси ёки барчаси бирдангина намоён бўлиши мумкин. Баъзан «компьютер синдроми»га ўхшаш ҳолат тамаки тутунининг таъсирида, кондиционер ишлаётган хонада кўп вақт қолиб кетилганда ёки контакт линзаларидан фойдаланиш натижасида ҳам кузатилади.

Узоқ вақт бир нуқтага, хусусан, компьютер монито-

рига тикилиб турганда кўзимизни одатдагидан кам юямиз. Кўзни юмиш эса жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу пайтда кўзнинг шоҳ пардаси намланади, кўз ёши билан тозаланади ҳамда озиклантириб турилади. Натижада, шоҳ парданинг доимий шаффофлиги таъминланади. Кўзнинг шоҳ пардаси қанчалик шаффоф бўлса, кўриш жараёни шунчалик аниқ ва тиниқ бўлади.

«Компьютер синдроми»нинг олдини олишда компьютердан ҳимояловчи махсус кўзойнақлардан фойдаланиш яхши самара беради. Уларни кўзойнақ дўконларидан сотиб олиш мумкин. Компьютерда ишлаётганда ҳар 30 дақиқада 5-10 дақиқадан кўзга дам беришни унутманг. Шу орада куйидаги машқларни бажариш тавсия қилинади.

1. 3-5 сониядан кўзингизни 6-8 марта қаттиқ юмиб-очинг. Бу машқ кўз мушакларини мустаҳкамлайди ва қон айланишини яхшилайди.

2. Бармоқлар билан юзнинг чакка қисмини сал босиб, кўзларингизни 10 маротаба тез юмиб-очинг. Сўнгра кўзни юмиб, 2-3 маротаба чуқур нафас олинг. Бу машқ уч марта бажарилади ва толиққан кўзларга ёрдам беради.

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 6 май куни «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши раиси Шерзод Раҳимов билан бўлиб ўтади. Сўхбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Имом ал-Ҳуда», «Имом ал-Мутақаллимин» дея улуғланган ўзбекистонлик буюк аллома ким?

Жавобингизни 2 май соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Амир Темурнинг синглиси.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Самарқанд шаҳридан Наврўз Абдусаломов йўллади.

## YON DAFTARCHANGIZGA

Кимнинг қўлида куйидаги беш нарса жилови бўлса, яхши ҳаётининг гарови бўлур: биринчиси — тан сихатлик, иккинчиси — омонлик, учинчиси — ризқининг мўллиги, тўртинчиси — содиқ дўст ва бешинчиси — фароғат.

Абдурахмон Жомийнинг  
«Баҳористон» асаридан